

Elim deb, yurtim deb yonib yashash kerak!

Turkiston

1925-yildan chiqqan boshlagan

«Kamolot» yoshlar ijtimoiy harakati Markaziy Kengashining nashri

www.turkiston.uz

2015-yil 4-mart, chorshanba № 18 (15864)

МУҲАББАТ ВА ҲАЁТ КУЙЧИСИГА ЭҲТИРОМ

1915 йил 1 март. Баҳор доялик қилгани учунми, табиатдаги бокиралик, маънавий гўзаллик туйғулари билан сақланган, нафосат ва назокатда тенгсиз дея эътирофлар остида қолган, «оламнинг тухфаси» бўлмиш Зулфияхоним таваллуд топган кун.

2015 йил 1 март. Пойтахтимиздаги Зулфия ҳайкали қад ростлаган хиёбонда тўпланган шеърят шайдолари, жамоат арбоблари, шоиранинг оила аъзолари, издошларининг дилига ушбу сатрлар кўчган бўлса, не ажаб:

Аёл бахти!

Мендай аёл бахтига

Тақдир маликани кўрганми лойиқ?

Халқ меҳрида, ёрман эл шухратида,

Бахтли аёл деса ҳақли халойиқ...

(Давоми 3-саҳифада)



Zulfiya tavalludining 100 yilligi

Рустам Назарматов олган сурат

Сурхон жозибасининг сири

Сурхондарёдаги машҳур Тешиктош гори ҳақида билмаган инсон кам. У ибтидоий жамоа даврида аجدодларимиз яшаган кўҳна макон сифатида ҳамиша дунё олимларининг эътиборини тортиб келади. Неча минг йиллик қоятош расмларига эга Зараутсой, жаҳон тамаддунида ўчмас из қолдирган Сополлитепа, Далварзин, Жарқўтон каби археологик ёдгорликлар ҳам юртимиз ва жаҳондаги кўплаб сайёҳларни ўзига жалб этаётир.



(Давоми 5-саҳифада)

ЁШ ОЛИМЛАР УЧУН ЎҚУВ КУРСЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Биоорганик кимё институтида мамлакатимиз талабалари, магистр ва ёш тадқиқотчилари учун рентген кристаллографияси бўйича доимий ўқув курсларининг иккинчи босқичи бошланди.

Курслар Биоорганик кимё институти қошидаги ноёб илмий асбобуускуналардан жамоавий фойдаланиш маркази базасида ЮНЕСКО-нинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси билан ҳамкорликда ташкил этилди.

(Давоми 2-саҳифада)



5

САОДАТ ТИМСОЛИ



на табиат оқибат истаўғи

Мутахассисларнинг маълумотида кўра, ҳар йили дунё бўйича атмосферага фақат турғун манбалардан юз миллион тоннадан ортиқ углеводород чиқарилаётган экан. Шунинг 74 фоизи ривожланган давлатлар ҳиссасига тўғри келади. Шунингдек, олимлар дунёда содир бўлаётган ўрмон ёнғинлари натижасида атмосферага чиқаётган зарарли чиқиндилар саноат чиқиндиларининг 50 фоизига тенг эканини айтмоқда. Негаки, ўрмон ёнғинлари натижасида ҳавога кўтарилган тутун атмосферанинг юқори қатламида куйинди зарраларини кўпайтиради. Оқибатда сайёрамизга куёшдан келаётган иссиқлик энергияси қайтадан коинотга ёйилиш ўрнига Ернинг ўзида қолиб, «буғхона ҳодисаси»ни келтириб чиқармоқда. Бу эса ер юзида иқлим ўзгариши, глобал иссиқ жараёнининг тезлашишига олиб келмоқда.

(Давоми 6-саҳифада)



6

ГАЗ ИДОРАСИДАГИ ФИРИБГАРЛАР

ЁШ ОЛИМЛАР УЧУН ЎҚУВ КУРСЛАРИ

(Давоми, бошланиши
1-саҳифада)

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси президенти Шавкат Солиҳов, ЮНЕСКО-нинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси раҳбари Криста Пиккат ва бошқалар янги авлод олимларни тарбиялаш илм-фан тараққиётининг муҳим шартини эканини таъкидлади. Ўзбекистонда шундан келиб чиққан ҳолда олий таълим сифатини янада ошириш, уни илм-фан билан интеграциялаштириш, олий ўқув юртлиги ва илмий институтларни энг замонавий ускуна ва технологик воситалар билан жиҳозлаш, бу борада халқаро ҳамкорликни кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилаётди.

Кристаллография, яъни кристаллар ҳақидаги фан Ўзбекистонда жадал ривожланиб бораётган илм-фан йўналишларидан биридир. Кейин-

ги бир неча ўн йил давомида мамлакатимизда жаҳон миқёсида илм-фаннинг ушбу соҳасини ривожлантиришга салмоқли хисса қўшаётган бир гуруҳ кристаллограф олимлар етишиб чиқди.

Кейинги авлод илмий ходимлари — бакалаврлар, магистрлар ва ёш тадқиқотчилар ушбу курсларнинг тингловчиларидир. Уч босқичдан иборат мазкур тренингнинг ўтказилган дастлабки босқичида Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент кимё-технология ва Тошкент фармацевтика институтлари талабалари иштирок этди.

— Тренинг давомида ўзаро тажриба алмашдик, — дейди Тошкент фармацевтика институти талабаси Юлдуз Арслонова. — Биз турли материалларнинг таркиби ва тузилишини уч ўлчамли форматда ўрганишга ёрдам берадиган

ноёб ва замонавий ускуналарда ишлаш имкониятига эга бўлдик. Бундай техник янгиликлар тадқиқотчилар учун катта имкониятлар яратди.

— Ўқув курси давомида биргаликда бир қанча илмий тажриба ўтказдик, — дейди Ўзбекистон Миллий университети талабаси Жамолддин Жўраев. — Бу ерда тўплаган тажрибамни ўз тадқиқотларимда қўлайман.

Иккинчи босқичда Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети, Бухоро, Наманган давлат университетлари ва пойтахтимиздаги қатор олий ўқув юртлиги магистрантлари қатнашмоқда. Учинчи босқич Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси илмий-тадқиқот институтларининг ёш олимлари учун мўлжалланган.

Бобур ОБИДОВ,
ЎЗА мухбири

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги «Маънавият ва маърифат» марказида «Ватан равнақи ва халқ фаровонлигини янада юксалтиришда инновацион лойиҳаларнинг ўрни» мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда Ziyonet ахборот-таълим портали бошлиғи Олимжон Бахтиев, Тошкент автомобиль ва йўллар институти тадқиқотчиси Илҳом Мамаюнов, Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент тиббиёт академияси ва Тошкент давлат техника университети талабалари иштирок этди.

ИННОВАЦИОН ЛОЙИХАЛАРГА ЭЪТИБОР

— Юртимизда инновацион лойиҳаларни ривожлантириш бўйича барча шарт-шароитлар яратилган, — дейди «Маънавият ва маърифат» маркази услубчиси Наргиза Дўсимбетова. — Ҳозирда таълим жараёнига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, иқтидорли ёшларнинг инновацион лойиҳаларини рағбатлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Бу ўз навбатида ёшларнинг билим ва малакасини оширишга хизмат қиляпти.

Тенгдошларимиз ҳаётга татбиқ қилаётган янги лойиҳалар етук мутахассис-олимлар томонидан ижобий баҳоланмоқда. Биргина Турин политехника университети талабаси Бобур Зокировнинг ўзбек, рус, инглиз тилларида ишланган глобуслари ва 20 турдан ортиқ ўқув-қуроллари бунинг ёрқин мисоли.

Ziyonet ахборот-таълим порталининг янги талқини ва имкониятлари, унинг «Иқтидорли ёшлар», «Кутубхона», «Хорижий тиллар» бўлимлари, tanlov.uz сайти, грант ва танловлар ҳақида фикр-мулоҳазалар юритилди. Якунда иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олди.

Алибек ОМОНТУРДИЕВ,
«Turkiston» мухбири

Hisobot-saylov konferensiyalari

Янги етакчилар сайланди

Агар ёшларнинг қалбига кулоқ тутсангиз, уларнинг орзу-мақсадлари турфа рангларда кўз олдингизда жилолангандай бўлади. Айниқса, олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган, илм чўққиларини забт этишга чоғланган талабаларнинг боши бир жойга қовушса борми, уларнинг айтган таклифлари, илгари сурган фикрларини эшитиб, ҳали қилинадиган ишлар кўп эканига амин бўласиз.

Жиззах давлат педагогика институти ҳамда Жиззах политехника институтидаги «Камолот» ЁИХ бошланғич ташкилотлари ҳисобот-сайлов йиғилишларида талабалар илгари сурган таклифлар тадбир мазмунини янада бойитди.

Дастлаб Жиззах шаҳридаги 1-болалар мусиқа ва санъат мактабида Жиззах давлат педагогика институти бошланғич ташкилотининг ҳисобот-сайлов

йиғилиши бўлиб ўтди. Унда «Камолот» ЁИХ Марказий Кенгаши раиси ўринбосари, «Камалак» болалар ташкилоти раиси Сарвар Ашуров, институт ректори вазифасини бажарувчи Неймат Алимов, Ҳаракатнинг вилоят кенгаши раиси Азамат Дархонов, ҳамкор ташкилотлар вакиллари ҳамда делегатлар иштирок этди.

Ҳисобот-сайлов йиғилишида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг

бошланғич ташкилоти фаолияти таҳлил этилиб, муаммо ва камчиликлар ўртага ташланди. Таъкидланганидек, бошланғич ташкилот томонидан ташкил этилган «Қувноқлар ва зукколар» ва «Тафаккур синовлари» танловларида жамоалар ўтган йили юқори натижага эриша олмаган. «Бунёдкор» ёшлар меҳнат ҳаракатида талаба-ёшлар 2013 йилга нисбатан 20 фоиз кам жалб қилинган. Фақат «Ҳарбийлар беллашганда» кўрик-танлови ҳамда футбол бўйича «Камолот» кубоги» мусобақасида талабалар иштироки сезиларли даражада ортган.

Йиғилишда бошланғич ташкилот етакчилигига Ҳасан Маҳаммадиев (тарих факультети талабаси) ҳамда Зухриддин Ҳожиметов (тарих факультети

ти талабаси) номзоди тавсия этилди ва номзодларнинг сайловолди дастури делегатлар томонидан кўриб чиқилди. Очiq овоз бериш йўли билан энг кўп овоз олган тарих факультети 2-курс талабаси Зухриддин Ҳожиметов бошланғич ташкилот етакчилигига сайланди.

Шу куни Жиззах политехника институти бошланғич ташкилотининг ҳисобот-сайлов йиғилиши бўлиб ўтди. Таҳлилий-танқидий руҳда ўтган йиғилишда бошланғич ташкилот етакчилигига Қобил Мусоев (электро-энергетика кафедраси ассистенти) ҳамда Раҳмонберди Раҳмонов (автотранспорт факультети талабаси) номзоди таклиф этилди. Номзодларнинг сайловолди дастури эшитилгач, номзодлар овозга кўйилди. Унда Раҳмонберди Раҳмонов кўпроқ овоз тўлаб, Жиззах политехника институтининг бошланғич ташкилоти етакчиси этиб сайланди.

Шоди ОТАМУРОД,
«Turkiston» мухбири

Xabarlar

«Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси томонидан «Ижодкор масъулияти ва санъаткор этикаси» мавзуида давра суҳбати ўтказилди.

Унда Интеллектуал мулк агентлиги мутахассислари, санъатшунослар, бас-такор ва хонандалар, санъат ихлосмандлари иштирок этди.

Ўзбекистон бастакорлар уюшмаси раиси Р.Абдуллаев, «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси бош директори ўринбосари М.Мажидов ва бошқалар мусиқа соҳаси ривожига қаратилаётган алоҳида эътибор, санъаткорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бора-сидаги эзгу саъй-ҳаракатлар самарасида миллий эстрада санъатимиз изчил равнақ топаётганини таъкидлади.

Грециянинг Салоники шаҳрида ўзбек кураши бўйича «Ислом Каримов» Х халқаро турнири бўлиб ўтди. Бу миллий спортимиз — курашга жаҳонда қизиқиш тобора ортиб бораётганининг яна бир ифодасидир.

Кураш халқаро ассоциацияси, Европа кураш конфедерацияси ва Греция кураш федерацияси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур мусобақада ўттиз мамлакатдан юз нафардан зиёд полвон икки вазн тоифасида гиламга чиқди.

Бугун кураш Осиё, Африка, Европа, Америка ва Океаниядаги 120дан зиёд давлатда омалашмоқда. Кураш бўйича жаҳон ва қитъа чемпионатлари, нуфузли халқаро турнирлар юқори савияда ташкил этилмоқда.

Тошкент шаҳрида Наврўз ярмаркалари бошланди. Вазирлар Маҳкамасининг Тошкент шаҳар деҳқон бозорларини тартибга солиш, санитария ҳолатини яхшилаш, асосий турдаги озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг нархини барқарор сақлашни таъминлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар режаси асосида ташкил этилган ушбу ярмаркалар 5 апрелга қадар давом этади.

— Умумхалқ байрамлари арафасида ташкил этиладиган анъанавий ярмаркалар биз, кексаларнинг кўнглимизни кўтармоқда, — дейди пенсионер Аҳрор Бекмуродов. — Ишлаб чиқарувчининг ўзидан маҳсулотларни харид қилганга нима етсин! Шу кунларда сут, қатиқ ва кўкатларга эҳтиёжимиз баланд. Улар бозорларда мўл-кўл.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Озиқ-овқат саноати корхоналари уюшмаси, «Ўздонмаҳсулот», «Ўзвиносаноатхолдинг» компаниялари тизимидаги корхоналар ҳамкорлигида ташкил этилган ярмаркада маҳсулотларни кенг ассортиментда етказиб бериш таъминланган.



Мутлақ вазн тоифасидаги беллашувларда грециялик Мойзес Илиадис шохсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди. Василеио Илиадис иккинчи бўлди. Кипрлик Павлос Гкараклов ва грузиялик Дэвид Гкараклидис кучли учликдан ўрин олди.

Навоий шаҳрида Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда Ўзбекистон армрестлинг федерацияси ҳамкорлигида 1994 — 1998 йилларда туғилган ёшлар ўртасида армрестлинг бўйича мамлакат чемпионати бўлиб ўтди. Уч кун давом этган мусобақада республика мизнинг тўққизта вилоятдан 329 нафар спортчи голиблик учун ўзаро кураш олиб борди. Уларнинг 100 нафари қизлар.

Мусобақа якунида умумжамоа ҳисобида Навоий вилояти вакиллари 1-ўринни эгаллади. 2-ўрин самарқандлик спортчиларга насиб этган бўлса, 3-ўринни Тошкент вилояти вакиллари қўлга киритди.

МУҲАББАТ ВА ҲАЁТ КУЙЧИСИГА ЭҲТИРОМ

(Давоми, бошланиши
1-саҳифада)

Тадбирда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Муҳаммад Али, Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар қўмитаси раиси Фарида Абдурахимова, Ўзбекистон халқ шоири Ойдин Ҳожиёва, Зулфиянинг келини Риоя Олимжонова ана шу ўтган залворли аср мобайнида ўзбек адабиётининг доврғини дунёга танитишга қўшган муносиб ҳиссаси, бой меросининг ёшлар, айниқса, мунис қизларимиз тарбияси, маънавий дунёсининг юксалишида муҳим омил бўлаётганини таъкидлади.

Маросимда шоира ҳайкали пойига гуллар кўйилиб, ўз номи, ёдини асрларга муҳрлаган устоз ижодкор, «муҳаббат ва ҳаёт куйчиси» ҳақидаги хотиралар ёдга олинди, ижод намуналари ўзбек ва хорж тилларида ўқилди.

«КАМОЛОТ»ДА МЕҲМОНДА

Ёшлар ижод саройида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан Зулфияхоним таваллудининг 100 йиллиги муносабати билан «Камолот»да

меҳмонда» онлайн мулоқоти ташкил этилди. Унда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Али, Ўзбекистон халқ шоири Ойдин Ҳожиёва, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Қутлибека Раҳимбоева, «Саодат» журнали бош муҳаррири Феруза Жалилова, Зулфия номидаги Давлат мукофоти лауреати Гулжамол Асқарова, адабиётшунос олим Умарали Норматов тадбир қатнашчилари ва виртуал мухлисларнинг қизиқарли саволлари қуршовида қолди.

Уч соатдан ошқ вақт давом этган мулоқотда меҳмонлар Ҳаракатнинг www.kamolot.uz веб-сайтига икки ҳафта давомида йўлланган 700дан ортиқ саволлар орасидан саралаб олинган қизиқарли мурожаатларга жавоб қайтарди. Мулоқот давомида қаҳрамонларнинг ҳаётини мисолларга бой фикр-мулоҳазалари, шоира ҳақидаги хотиралари, қабул қилинган саволларга жавоблари ишчи гуруҳ томонидан сайтининг Форумлар бўлимига тўғридан-тўғри жойлаштирилиб, ёшлар томонидан интернет орқали кузатиб борилди.

АСАРЛАРГА МУҲРЛАНГАН ШОИРА СИЙМОСИ

Лойиҳа доирасида илк мартаба Зулфия ҳаёти ва ижодига бағишланган 70га яқин фотолардан иборат фотокўргазма ташкил этилди. Кўргазмани айланар экансиз, бетакрор ижодкорнинг ҳаёт йўллари одимлаб, қувончи ва сўнмас илҳами, қатъият ва иродасини ҳис этасиз.

Шунингдек, ёшларга Зулфия ҳаёти ва ижодини кенгрок таништириш, тарғиб этишга қаратилган «Баҳор келди сени сўроқлаб» номли буклетлар 30 минг нусхада чоп этилиб, тарқатилди. Буклетдан шоиранинг ҳаётидан лавҳалар, шоира ҳаёти ва ижодига оид хронологик фактлар, замондошлари хотиралари, таъриф ва таҳсинлар жой олган.

«Камолот» ЁИХ муассислигидаги «Янги аср авлоди» нашриёти томонидан шоиранинг «Баҳор келди сени сўроқлаб» номли шеърини тўплами 10 минг нусхада чоп этилиб, ўз мухлисларини топди.

ШЕЪРЛАР КЎШИҚҚА АЙЛАНДИ

Лойиҳа Марказий Осиёда ягона бўлган Ўзбекистон Ёшлар симфоник оркестрининг гала концерти билан якунланди. Концерт дастуридан 30га яқин ўзбек ва жаҳон классик дурдона асарлари, шоиранинг ижод намуналари асосида тасвирга туширилган роликлар ўрин эгаллаган. Шунингдек, шоиранинг кўшиққа айланган шеърлари, Зулфиянинг ижод ҳақидаги ҳаётини монолоғи давлат мукофоти ва халқаро танлов совриндорлари томонидан ижро этилиб, томошабинлар эътиборига ҳавола этилди.

Концертни Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишони



Р. Назарматов олган суратлар.

соҳиби, халқаро танловлар лауреати, дирижёр Камолитдин Уринбоев бошқариб борди. Ёш иқтидор эгалари билан бир қаторда Рамиз Усмонов, Женисбек Пиязов каби машҳур операчилар ижросидаги концерт Зулфия хотирасига муносиб эҳтиром бўлди.

«БУ БОҒЛАР БИР БОҒЛАР БЎЛАДИ ҲАЛИ»

Зулфия шахсини қайта кашф этиш, унинг ибратли ҳаётини ўрнатқилиб кўрсатиш ҳамма даврнинг ҳам аҳамиятли мавзуси бўлиб қолаверади. Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Орипов ёзганидек:

*Қоронғу тунларда
оловли сўзни
Кимки машғал қилса,
толе унга ёр.
Бахтли аёлман деб
атабсиз ўзни,
Сиздай шоир бор
халқ ҳам бахтиёр.*

Давлатимиз раҳбарининг «Ўзбекистон халқ шоири Зулфия таваллудининг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ ташкил этилган барча тадбирлар — адабий-бадиий кечалар, қутлуғ юбилейга бағишланган ижодий учрашувлар самараси ўлароқ, ёшлар маънавий дунёси, ички оламига шоиранинг юксак инсоний фазилатлари, ўзбек қизининг ақлу зақоси, муҳаббат ва садоқати сингса, не ажаб. Устоз ижодкорнинг табири билан айтганда:

*Бу назм боғига
киролмас хазон,
Бизни маҳв этолмас
завол лашкари.
Мен кетсам, мунғаймас
умрим ҳеч қачон,
Бу боғлар
бир боғлар бўлади ҳали.*

Парвина ОМОНОВА
«Turkiston» муҳбири



Ma'naviyat

Икки йил мобайнида «Камолот» кутубхонаси» лойиҳаси доирасида ўзбек ва жаҳон адабиётининг 45 дурдона асари жами 221 мингдан ортиқ нусхада чоп этилди. Хайрли ташаббусни давом эттирган ёшлар ҳаракати яқинда яна 7та асарни китобхоналарга тортиқ қилди. Булар: Тоҳир Маликнинг «Алвидо болалик», Шукур Холмирзаевнинг «Ўн саккизга кирмаган ким бор», Гётенинг «Фауст», Фенимор Купернинг «Чингачгук фожеаси», Эрнест Хемингуэйнинг «Чол ва денгиз», Илья Ильф ва Евгений Петовнинг «Ўн икки стул», Жейн Остиннинг «Андиша ва ғурур» романларидир. Китоблар таълим муассасаларига бепул тарқатилмоқда.

Рустам Назарматов олган сурат.



Саодат тимсоли

Dildagi so'z

Аёл қалбидан дунёга нур таралади. Яхшилик ҳақида ўйлаганда ҳам даставвал аёлнинг кўз ўнгида фарзанди, оиласи гавдаланади. Шунинг учун ҳам аёл дунёга тинчлик, хотир-жамлик, фаровонлик тилайди. Борлиқда ҳаммиша бахт-икбол нашидаси ҳукмрон бўлишини истайди. Фарзанднинг кўзида бир томчи ёш филтиллаши, ногоҳ бир тола сочига захмат етиши аёл қалбини ларзага солиши мумкин. Шунинг учун ҳам аёлни нафақат гўзаллик, меҳр-оқибат, балки эзгулик, тинчлик ва осойишталик элчиси, саодат тимсоли ҳам деб аташимиз мумкин.

Демак, ҳаёттилик, тириклик, бардавомлик, оламда ҳаёт тантанаси мангу бўлишини истайди аёл. Бундан ўзга эзгу ва улуг ният бўлиши мумкинми?

Ҳар қайси давр ва ҳар қайси жамиятда ҳам аёл жамият тараққиётининг асосий таянчи бўлиб келган. Зеро, аёли эъзозланган юртнинг ҳаммиша шони-шарафи баланд, кунлари тинч осойишта, фарзандлари соғлом, келажаги ёруғдир.

Халқимиз азалдан аёл сиймосида она аталмиш дунёдаги энг улуг зотни кўрган. Шундан-дир, ота-боболаримиз жажжи қизалоқни “она қизим” деб суйиб эрқалатади. Қизалоқларнинг ҳатто ўйинларида ҳам табиат ато этган меҳр-шафқат каби муноси туйғулар намоён бўлади.

Агар оилани жамиятимизнинг кичик бир бўлаги деб оладиган бўлсак, оила мустақамлиги, фаровонлиги ва бахт-саодати аёлларимиз билан барқарордир. Кайвони момоларимиз кўни-кўшнларнинг қувончини ҳам, ғам-ташвишини ҳам улар билан бирга баҳам кўради, ҳар бир оила мустақамлиги ва ободлигига бош-қош.

Дейдиларки, она сути жон озиғи, она алласи эса кўнгил озиғи. Бола дунёга келган кундан бошлаб она сундан танижони соғлом бўлиб вояга етади. Аёл меҳр-муҳаббати ва эзгу тилаклари йўғрилган она алласини эшитган ўғиллар мард ва жасур, имон-этиқодли бўлиб вояга етадилар. Бир сўз билан айтганда, меҳр-муҳаббат билан инсон тирик бўлгани каби, олам ҳам аёллар билан мунаввардир.

Шарқда қадимдан фарзанд тарбияси аёл зиммасидаги муҳим вазифа саналади. Шу боис, бўлажак оналар, яъни

жасорати авлоддан-авлодга ўтиб келмоқда.

Мамлакатимизда аёлларнинг жамиятдаги нуфузини ошириш борасида жуда катта ишлар амалга оширилмоқда. Мустақиллик йилларида хотин-қизлар масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Аёлга эҳтиром кўрсатиш — миллатга, келажак авлодимизга эҳтиром кўрсатишнинг бош мезонига айланди.

Бугунги кунда юртимизда 7

қарашларида аёллар масаласига алоҳида эътибор қаратган.

Шарқ аёли азалдан ўз ҳақ-ҳуқуқини чуқур билган, унга амал қилган. Утмишда яшаган момоларимизнинг ҳақ-ҳуқуқ, сиёсат бобидаги етук салоҳиятини тарихий манбалардан яхши биламиз. Жумладан, Амир Темур бобомиз жангу жадаллардан бирида қийинчилик ва машаққатга дучор бўлганда Бибихонимга хат ёзиб, маслаҳат сўраганини бир



келиларни танлашда уларнинг насл-насаби, сиҳат-саломатлиги ва энг асосийси, хулқ-атвори суриштирилган. Бугун ҳам шундай. Чунки соғлом фикрга эга, дунёқараш кенг оналар фарзандлари учун муҳим сабоқлар бериб, уларни тўғри йўлга йўналтириб туради.

Аёл бу — она. Оналарсиз ҳеч бир жамиятда тараққиёт йўқ. Улар — жамиятнинг гултожи. Аёллар ҳаммиша ҳаётимизнинг ҳар бир бўғинида инсонийлик, меҳр-муҳаббат, садоқат ва оилапарварлик каби юксак туйғулардан сабоқ берган. Аёл муҳаббати олдида не-не алп йигитлар бош эгмаган дейсиз. Бунга кўҳна тарих гувоҳ. Аёлларимиз доимо улуг бунёдкорлик ишларига ундаб келган. Ўзлари ҳам жасоратда ўрناق бўлган, Тўмарис ва Нодирабегимлар

нафар академик аёл, 500 нафарга яқин аёл фан доктори, 5000га яқин аёл фан номзодлари Ватан равнақи йўлида меҳнат қилмоқда. Улар халқаро микёсдаги илмий тадқиқот ишлари билан ҳам эътироф қозонмоқда.

Халқимизда азалдан аёлларнинг ҳурмати жойига қўйиб келинган. Улар энг аввало, она, опа-сингил, севимли ёр сифатида эъзозланган. Ўрта аср Шарқ мутафаккирларидан Абу Наср Форобий, Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний асарларида, шунингдек, X—XV асрларда яшаб ўтган Юсуф Ҳамадоний, Аҳмад Яссавий, Абдуҳолиқ Ғиждувоний, Нажмиддин Кубро, Имом Бухорий, Баҳоуддин Нақшбанд, Хўжа Аҳрор Валий, Алишер Навоий ва бошқа зотлар комил инсон тарбияси билан боғлиқ

эслайлик. Шунда оқила малика: “Соҳибқироним, сизнинг қурол-аслаҳангиз, жанг борасидаги барча тадбирларингиз тугаганда ҳам, сиёсатингиз тугамагандир!” — деб жавоб йўллайди. Умр йўлдошининг умидбахш сўзидан руҳланган Соҳибқирон ушбу жангини ғалаба билан тугаллайди.

Биз дунёдаги барча муқаддас нарсаларни онанинг буюк номи билан боғлаб айтаемиз. Она меҳрининг буюклиги ҳам, қудрати ҳам шундандир. Бизнинг томиримизда Тўмарис, Анбар отин, Увайсий сингари онажонларимизнинг қони оқмоқда. Улардан жасорат, фидойилик, ақлу одоб, илму заковат, шарм-ҳаё мерос бўлиб қолган.

Ватан — оиладан бошланади. Шунинг учун ҳам оила Ватандай қадрли, Ватандай азиз.

Оилада ота-она муносабати фарзанд учун ибрат намунаси-дир.

Кўш уясида кўрганини қилади дейди қадимгилар. Биз оналар фарзандларимиз миллат фахри, миллат андозаси бўлмоғи учун уларга қандай тарбия бераймиз? Уларда шукроналик, ирода ва орият, маърифат ва ростгўйликни шакллантираёلمизми? Қандай йўл тутсак, болаларимиз кўзи тўқ, имони бақувват, миллатсевар инсонлар бўлиб етишади?

Она билимли бўлса, миллат билимли бўлади. Ҳозирги тинч ва фаровон кунлар осмондан тушиб қолмаганини, асрий орзумиз бўлган Истиклолимиз қандай машаққат ва синовлар эвазига қўлга киритилганини, инсонга эрки ва ғуруридан ортиқ қадр татимаслигини фарзандларимиз чуқур идрок этсин. Болаларимизга миллий ва жаҳон адабиётини яна ҳам чуқурроқ ўргатишимиз лозим. Турмушга чиққан қизларимиз уй-рўзгор ишларидан ортиб, китоб ўқишларига имкон яратайлик. Ўғилларимиз оила илми, рўзгор илмидан бохабар бўлсин. Тоza насл, тоza авлод тушунчасини болаларимиз онгига меҳр билан сингдирайлик. Ана шундагина улар миллат дардига дармон бўлади.

Ҳар йили 8 март арафасида мунис аёллару мўътабар опа-сингилларимиз айёми бўлмиш тантаналарда иқтидорли қизларимиз Зулфияхоним номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланади. Президентимиз аёл зотига эҳтиром ва эъзоз, эътибор ва юксак ҳурмат намунаси сифатида таъсис этилган ушбу мукофот ҳар йили юртимизнинг ноёб истеъдодли қизларига бериб келинмоқда. Айниқса, яқиндагина муҳташам “Туркистон” саройида бўлиб ўтган Ўзбекистон халқ шоири Зулфияхонимнинг 100 йиллиги нишонланган тадбирда совриндор қизлар яна халқимизнинг олқишига сазовор бўлди.

Ватандан ташқарида Ватан йўқ. Ўзбекистондан ташқарида Ўзбекистон йўқ. Биз шу юртга, шу элга керакмиз. Ўзбекистоннинг юкини елкасига қўйсақ ташлаб юбормайдиган мард ва ботир фарзандларни вояга етказиш бизга она меросдир.

Мана шу вазифа, ушбу масъулият ҳар бир аёлнинг эзгу мақсади бўлиши керак. Зотан, озод ва обод Ватанга фақат бизнинг фарзандларимиз лойиқдир. Ана шундай фарзандлар ўзбек оиласида вояга етади. Миллат келажагига хизмат қилади.

Сайёра ТҶИЧЕВА,
фалсафа фанлари доктори

“Kamolot” hududi

Баҳорий лойиҳа

“Камолот” ЁИХ Урганч шаҳар кенгаши Зулфия таваллудининг 100 йиллигига бағишлаб махсус лойиҳа ишлаб чиқди.

1 мартдан бошлаб Ҳаракатнинг бошланғич ташкилотлари фаолият кўрсатаётган шаҳардаги барча таълим муассасалари, 7та корхона ва ташкилотда ижодий танловлар, учрашувлар, расмлар кўргазмалари ўтказиб келиняпти. Лойиҳага 12 минг нафар ёшни қамраб олиш кўзда тутилган.

Баҳорнинг илк кунидан Урганч қурилиш касбхунар коллежида “Зулфияхоним қизлари” кўрик-танлови бўлиб ўтди. Танловда етти нафар иқтидор соҳиби адабиёт, маданият, санъат, таълим ва илм-фан йўналишларида бел-

лашди. Қизларнинг иқтидор ва маҳорати турли номинациялар бўйича эътироф этилди. Тақдирлаш маросимида иштирокчиларга “Камолот” кўрак нишонлари ҳам топширилиб, келгусида уларнинг Зулфияхоним издошлари бўлишига ишонч билдирилди.

Ўзбекистон халқ шоири таваллудига бағишланган лойиҳа давом этмоқда. Унинг доирасида “Сен билан бирга Камолот сари” акцияси ҳам ташкил қилиниб, Урганч давлат университетида таълим олаётган икки нафар Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳиби — Дилрабо Маткаримова ва Гулёр Отажонованинг таълим муассасаларига ташрифлари уюштириляпти.

Ш.БОБОЖОНОВА,
“Камолот” ЁИХ Урганч шаҳар кенгаши бош мутахассиси



СУРХОН ЖОЗИБАСИНИНГ СИРИ



(Давоми, бошланиши
1-саҳифада)

Хўш, бу азиз юртнинг мафтункорлиги, жозибаторлигининг сири нимада? Фақатгина қадимийлигида ёки гўзал табиатидами? Балки одамзотнинг илк макон топган муқаддас гўшалардан бири эканидандир?

Дарҳақиқат, Сурхондарё инсоният цивилизациясининг бешигидир. Воҳа тарихи тош асрига бориб тақалишининг ўзи у нечоғлик ноёб илмий объект эканидан далолат беради. Ҳозирга қадар вилоят ҳудудида 700дан ортиқ археологик ёдгорлик топилган. Ушбу бебаҳо осори-атиқаларни асраш, кенг тарғиб этиш долзарб масала бўлиб, воҳада туризмни ривожлантиришни тақозо этади.

Бугунги кунга келиб туризм жаҳон иқтисодиётининг тез ривожланаётган тармоқларидан бирига айланди. Даромад келтириш нуқтаи назаридан у нефт қазиб чиқариш ва автомобилсозликдан кейин учинчи ўринда туради. Дунё меҳнат бозорида мавжуд ресурсларнинг қарийб 60 фоизи айнан шу соҳага тўғри келмоқда. Ички сайёҳликни ҳам ҳисобга олсак, ҳар йили сайёрамиз аҳолисининг қарийб ярми саёҳатга чиқар экан. Шундан 1 миллиард йилига ҳеч бўлмаганда бир маротаба сайёҳлик мақсадида хорижий мамлакатларга сафар қилади.

Ўзбекистонда ҳам туризм соҳасига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Зеро, мазкур соҳа янги иш ўринлари яратиш, аҳоли фаровонлигини таъминлаш, валюта ва солиқ тушумларининг кўпайишида муҳим ўрин тутаяди. Хизмат кўрсатиш соҳасини кенгайтириш мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш йўлидаги устувор вазифалардан бири этиб белгиланган. Бунинг учун юртимизда барча шароитлар мавжуд. Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 10 октябрда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини янада қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори сайёҳлик инфратузилмасини ривожлантириш, миллий туристик маҳсулотларни халқаро сайёҳлик бозорларига олиб чиқиш учун дастуриламал бўлиб хизмат қилди. Шу асосда тизимли ишлар олиб борилгани самараси ўлароқ, мамлакатимизга ташриф буюраётган сайёҳлар сафи йилдан-йилга кенгаймоқда.

— Сурхондарё вилоятида 2014—2016 йилларда туризм соҳасини ривожлантириш дастури ишлаб чиқил-

ган, — дейди “Ўзбектуризм” Миллий компаниясининг Сурхондарё вилоятидаги ҳудудий вакили Шўхрат Ибрагимов. — Унинг доирасида жорий йилда бир қатор ишлар амалга оширилади. Асосий урғу ёшлар туризмни ривожлантиришга қаратилмоқда. Бунга шаҳар ва туманларимизнинг сайёҳлик салоҳиятини ошириш йўли билан эришмоқчимиз. Натижада ёш авлод вакиллари Ватан тарихи, урф-одат ва анъаналаримизга бўлган қизиқиши янада ортиб, улар миллий қадриятларни асраб-авайлашни ўрганади. Ҳозир ўқувчи ва талабалар вилоятимиздаги қадимий манзилгоҳларга экскурсияларга олиб чиқилляпти. Бу эса ёшлар орасида археологик туризмни ривожлантиришга имкон бермоқда. Воҳанинг турис-



тик имкониятларини жаҳонга танитиш мақсадида маҳаллий аҳоли маданияти, миллий кийимлари ва таомлари, шунингдек, вилоятда мавжуд меҳмонхоналар, диққатга сазовор жойлар ҳамда дам олиш масканлари ҳақидаги маълумотларни интернетдаги «википедия» сайтига жойлаштириб бораёмиз.

Айни вақтда Сурхондарё вилоятида экологик, этнографик, тарихий, тиббий-соғломлаштириш, археологик туризм яхши ривожланган. Сўнги йилларда воҳа ҳудудида хорижий ва маҳаллий олимлар ҳамкорлигида мунтазам олиб борилаётган археологик экспедициялар, аввало, археологик туризмнинг ривожланишига кенг йўл очди.

— Сурхондарёда тиббий-соғломлаштириш туризмни талаб даражасида йўлга қўйиш учун ҳам етарли ресурслар бор, — дейди “Сурхонтуризм” МЧЖ раҳбари Зафар Намозов. — Масалан, Шеробод туманидаги “Ўринбулоқ”, Олтинсойда-

ги “Хўжаипок”, Бойсун туманидаги “Омонхона” сиҳатгоҳларидан шифобахш булоқлар чиқади. Суви инсон учун ниҳоятда фойдали минералларга бой. Воҳада шунга ўхшаш шифо масканлари кўп. Уларнинг туристик маршрутлари ҳам ишлаб чиқилган. Этнографик туризм ҳақида гапирганда Бойсун туманидаги “Хунармандлар маркази”ни тилга олмай иложимиз йўқ. Бу ерга келувчи сайёҳлар воҳа учун хос хунармандчилик турлари, масалан, мато тўқиш технологиясини обдон кўриб-ўрганибгина қолмай, мазкур жараёнда бевосита иштирок этиши ҳам мумкин. Бу, айниқса, хорижлик меҳмонлар учун қизиқарлидир.

Воҳанинг туристик салоҳияти юқори баҳоланишига қарамай, ҳозирча мавжуд имкониятларнинг жуда оз қисмигина ишга солинган, холос. Ангор, Шеробод, Музработ, Шўрчи каби ўзига хос табиати, тарихи ва маданий бойликларга эга туманларда, афсуски, туризм деярли ривожланмаган.

— Ҳар қандай ҳудудда сайёҳлик инфратузилмасини яратишдан аввал унинг замонавий ахборот базаси шакллантирилади, — дейди археолог олим Тўхташ Аннаев. — Яъни диққатга сазовор жойлар ҳақидаги маълумотларни ўзбек, рус, инглиз ва бошқа хорижий тилларда жамлаш ҳамда турли ахборот каналлари орқали тарқатиш керак. Ачинарлиси, ҳали-ҳанузгача Сурхондарё вилояти бўйича сайёҳлар учун махсус харита, сайёҳлик йўналишлари ишлаб чиқилмаган. Ёдгорликларни

кўрсатиб турувчи йўл белгилари, эслатмалар ҳам мавжуд эмас. Бу, албатта, саёҳат давомида ноқулайлик туғдиради.

Таъкидлаш жоизки, воҳамиздаги тарихий, маданий ёдгорликларни фақат объект сифатида эмас, балки кишида қизиқиш уйғотувчи, саёҳатга чорловчи, пировард натижада эса ҳудуднинг барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишига таъсир этувчи иқтисодий манба сифатида қараш ҳам мақсадга мувофиқ. Бунинг учун вилоятда туризмни ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмининг иқтисодий, ижтимоий ва ҳуқуқий жиҳатдан такомиллаштириш даркор. Мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланган ҳолда бой тарихимиз, ноёб маданий меросимизни кенг тарғиб этишга эришамиз.

Наргиза РАҲМАТУЛЛАЕВА,
“Turkiston” муҳбири

Yoshlarga oid davlat
siyosati — amalda

Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институтининг “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилоти томонидан амалга оширилган ишлар таҳлилига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

ЁШЛАРГА ҚАНОТ БАҒИШЛАБ



Мамлакатимизда ёшларнинг замонавий таълим-тарбия олиши, касб-хунар эгаллаши, спорт билан шуғулланиши, истеъдод ва салоҳиятини намойён этиши учун барча шароитлар яратилаётгани таъкидланди.

Президентимизнинг 2014 йил 6 февралдаги “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори бу борадаги ишларни янги босқичда давом эттиришга хизмат қилмоқда.

“Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати бевосита ёшлар муаммосини ҳал этиш, уларнинг ташаббус ва интилишларини қўллаб-қувватлаш, иқтидорини юзага чиқаришда қанот вазифасини ўтамоқда.

— Институтимизда таҳсил олаётган беш минг уч юзга яқин талаба ташкилотимиз аъзосидир, — дейди “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати институт бошланғич ташкилоти етакчиси К.Гулимбетов. — Уларнинг бир минг саккиз юздан ортиғи давлат гранти, уч ярим мингга яқин шартнома асосида таҳсил олмақда. Талабаларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, муаммоларини ҳал этиш мақсадида тузилган 12 клуб ва секция самарали фаолият кўрсатмоқда.

Институтда ташкил этилган “Турон” театр-студияси, “Тумарис” ансамбли, “Зиёли ёшлар”, “Иқтидорли қизлар”, “Мунозара”, “Ёш таржимонлар”, “Ёш қаламкашлар” клубларида талабалар ўз иқтидори ва салоҳиятини намойиш этиш имкониятига эга бўлмоқда.

Талаба-ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, дўстлик муносабатларини мустаҳкамлаш мақсадида “Баҳор маликаси”, “Ийгитлар султони”, “Сиз қонунни биласизми?” кўрик-танловлари, “Эрта турмуш қуришнинг оқибатлари”, “ОИТСга қарши курашамиз”, “Гиёҳвандсиз – ёрқин келажак” каби мавзуларда маърифий-маънавий тадбирлар мунтазам ўтказиб борилади. Бу ишларда, айниқса, Навоий, Улуғбек ва “Камолот” стипендиялари соҳиблари тенгдошларига ибрат бўлаётир.

Барча қулайликларга эга ахборот-русурс маркази, электрон кутубхона, замонавий спорт зали, маънавият маркази талабалар ихтиёрида.

Мухтасар айтганда, ёшларнинг ўз танлаган касби бўйича юқори малакали мутахассис бўлиб етишиши, ватанпарварлик ва миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳида камол топишига институтнинг “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилоти муносиб ҳисса қўшмоқда.

А.ОРТИҚБОЕВ,
ЎЗА муҳбири



на табиат оқибат истайдиги

(Давоми, бошланиши
1-саҳифада)

Мамлакатимизда эса атмосфера ҳавосига тургун манбалардан ва транспорт воситаларидан йилига 2,2 миллион тоннага яқин зарарли моддалар чиқарилмоқда. Шу жиҳатдан атмосфера ҳавосининг трансчегаравий ифлосланишининг олдини олиш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири саналади.

Истиқлолнинг илк кунлариданоқ, нафақат мамлакатимиз, балки минтақамизда экологик барқарорликни таъминлаш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида танланди. Афсуски, баъзи қўшни давлатларнинг ушбу йўналишдаги узоқни кўзламай олиб бораётган нотўғри сиёсати фақат бир мамлакат учун эмас, балки бутун минтақамиз учун жиддий ва оғир муаммоларни келтириб чиқараётгани ташвишланарлидир.

Қўшни Тожикистон Республикасидаги «Талко» ДУК ишлаб чиқариш чиқиндиларининг Сурхондарё вилоятининг шимолий туманлари атроф-муҳитига, қишлоқ хўжалиги экинларининг ҳосилдорлиги, чорвачилик маҳсулдорлиги пасайиб кетмоқда, шунингдек, бу ҳолат аҳоли саломатлиги ва генофондига салбий таъсир кўрсатмоқда. Фторли водород билан кучли зарарланган Сариосиё, Узун ва Денов туманлари ҳудудидagi сабзавот экинлари ҳосилдорлиги 46 фоизга камайган. Бу заҳарли моддалар уруғларнинг униб чиқиши, дарахтларнинг мева туғиши, ўсимликларнинг ўсишига ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда. Масалан, полиз экинлари ҳосилдорлиги 24,4, сабзавотлар ҳосилдорлиги 34, узум ҳосилдорлиги 37,8 фоиз камайган. Мева-сабзавотларда фторидлар куюқлиги рухсат этилган концентрация микдоридан 11-19, буғдойда 5-6,5 фоизни ташкил этиши аниқлангани ҳам ташвишланарли ҳолдир.

Сўнги маълумотларга кўра, дунёда 370 миллиондан зиёд транспорт во-



барга кўтарилаётгани аниқланган. Атмосфера ҳавосида фторли водород микдори кўпайиб бораётгани оқибатида тупрок, сув ресурслари ифлосланмоқда, қишлоқ хўжалиги экинларининг ҳосилдорлиги, чорвачилик маҳсулдорлиги пасайиб кетмоқда, шунингдек, бу ҳолат аҳоли саломатлиги ва генофондига салбий таъсир кўрсатмоқда. Фторли водород билан кучли зарарланган Сариосиё, Узун ва Денов туманлари ҳудудидagi сабзавот экинлари ҳосилдорлиги 46 фоизга камайган. Бу заҳарли моддалар уруғларнинг униб чиқиши, дарахтларнинг мева туғиши, ўсимликларнинг ўсишига ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда. Масалан, полиз экинлари ҳосилдорлиги 24,4, сабзавотлар ҳосилдорлиги 34, узум ҳосилдорлиги 37,8 фоиз камайган. Мева-сабзавотларда фторидлар куюқлиги рухсат этилган концентрация микдоридан 11-19, буғдойда 5-6,5 фоизни ташкил этиши аниқлангани ҳам ташвишланарли ҳолдир.

Сўнги маълумотларга кўра, дунёда 370 миллиондан зиёд транспорт во-

ситаси ҳаракатда бўлиб, улардан чиқётган газлар таркибида 200 хил заҳарли кимёвий моддалар борлиги аниқланган. Биргина республикамизда мавжуд транспорт воситаларидан чиқётган заҳарли газлар бир йилда киши бошига 200-210 килограммдан тўғри келар экан. Шаҳарларимизда атмосфера ҳавосининг ифлосланишида шаҳар транспортининг улуши ўртача 75-80 фоизни ташкил этмоқда.

Мамлакатимизда атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш масаласига қонуний жиҳатдан алоҳида эътибор қаратилган. Бу ҳақда 1996 йил 27 декабрда Ўзбекистон Республикасининг «Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонуни қабул қилинди ва ушбу қонуннинг 1—5 ҳамда 22—26-моддалари бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган тизимли ишлар олиб борилмоқда. Эътиборлиси, мамлакатда экологик вазиятни яхшилаш юзасидан амалга оширилган комплекс чора-тадбирлар натижасида атмосферага чиқариб ташланаётган ифлослантирувчи моддаларнинг

умумий миқдори 2000 йилга нисбатан 55 минг тонна ёки 2,5 фоиз камайишига эришилди.

Бугунги тараққий этган замон атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш, экологик вазиятни янада барқарорлаштиришни тақозо этмоқда. Шу боис Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари томонидан Ўзбекистон Республикасининг амалдаги «Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонунини такомиллаштириш юзасидан тегишли қонунларга қўшимча ва ўзгартишлар киритилмоқда, тегишли мутахассислар билан ҳамкорликда амалий ишлар олиб борилмоқда. Бу эса она табиатни қонуний жиҳатдан янада мустақкам ҳимоя қилишга хизмат қилади. Зеро, бу олам барчамизники, уни асраб-авайлаш инсонийлик бурчимиздир.

Зафар ХАНИЯЗОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутати, Экология ва
атроф-муҳитни муҳофаза қилиш
масалалари қўмитаси аъзоси

Qilmish-qidirmish

Газ идорасидаги фирибгарлар

Ота-боболаримиз азалдан ўзганинг ҳақидан ҳазар қилган. Ўзганинг ҳақи — омонат. Омонатга хиёнат қилиш эса энг оғир гуноҳ ҳисобланган. Бировники ҳеч қачон буюрмайди деган нақл ҳам бежиз пайдо бўлган эмас. Яқинда Ғаллаорол тумани судида бўлиб ўтган жиноят ишлари бўйича Бахмал тумани судининг очик суд мажлиси тафсилотлари билан танишгач, бу гапнинг нақадар ҳақ эканига яна бир бор амин бўлдик.



Суд ҳайъати Жиззах вилоятидаги «Ғаллаоролтумангаз» филиалида ишловчи бир неча ходимнинг айбини тўлалигича тасдиқлади ва суд ҳукмини эълон қилди. Берилган ваколатдан ўзбошимчалик билан фойдаланиш қандай оқибатларга олиб келишини олдинроқ ўйламаган газ «хўжайинлари»га қилмишига яраша жазо тайинланди.

Судланувчи Исматилла Тўрабеков 2012 йил 1 майдан 2014 йил 21 майга қадар «Ғаллаоролтумангаз» филиалида етакчи ҳисобчи бўлиб ишлаган. У ноқонуний йўл билан да-

ромад орттиришни кўзлаб, шу филиалда улгуржи истеъмолчилар билан ишлаш бўлими инспектори вазифасида хизмат қилган (собик етакчи ҳисобчи) Саҳобиддин Ўталов билан жиноий тил бириктиради. Ушбу корхонада ишлаб, кейинчалик бўшаб кетган бир қанча ходим номига банкдан пластик карточка очиб, бир неча ой давомида иш ҳақи ўтказиб боради. Бу маблағларни судланувчи «қаҳрамонларимиз» ўз манфаатлари йўлида ишлатиб юборади.

«Ғаллаоролтумангаз» филиали собик чилангари Аскар

Эшмаматов 2009 йилнинг ноябрь ойида ишдан бўшаб кетган бўлса-да, Исматилла Тўрабеков ва Саҳобиддин Ўталов унинг номига «Агробанк» ОАТБ Ғаллаорол тумани бўлимида пластик карточка очиб, бамайхотир унинг ҳисобидан маош олиб юраверади. Яъни банкка тақдим қилинган ишчи-ходимлар реестрига А.Эшмаматовнинг ҳам исм-фамилиясини киритиб, 2009 йилнинг 2 ноябридан 2012 йилнинг 3 июлига қадар жами 7 миллион 746 минг сўм пулни иш ҳақи сифатида ўтказиб, ушбу пул

маблағларини ўзлаштириш йўли билан талон-тарожликка йўл қўйган.

Нафс қурбонига айланган бу кимсалар 2011 йил 4 мартдан кейин «Ғаллаоролтумангаз» филиалида умуман ишламаган Аҳмад Мирзаевнинг номига очилган пластик карточкага ҳам 2012 йилнинг августига қадар жами 6 миллион 125 минг сўм маблағни иш ҳақи сифатида ўтказган.

Жиноятчилар шу билан чекланиб қолмади. Ўтган даврда филиалда фаррош бўлиб ишлаган С.Абдувалиевани хабардор қилмай, унинг номига очилган пластик карточкага 5 миллион 855 минг сўм пул маблағини ўтказиб, ўз манфаати йўлида ишлатиб юборади. Ҳисобчилар И.Бурхонов, Ф.Эшбўловга тегишли пластик карточкаларнинг тақдири ҳам шундай бўлди. Улар ҳам ўзларининг пластик карточкасига қанча пул тушаётганидан беҳабар бўлган. Етакчи ҳисобчи Исматилла Тўрабеков уларнинг пластик карточкаларини текшириш лозимлигини вақт қилган ҳолда ушбу пластик карточ-

каларга ҳамда ўзининг пластик карточкасига ортиқча ўтказилган ва ушланмай қолинган жами 9 миллион 448 минг 900 сўм маблағни ўзлаштириб юборади.

Исматилла Тўрабеков масъул мансабдор шахс бўла туриб, филиал бошлиғи лавозимида ишлаган З.Абдурашулов билан олдиндан жиноий тил бириктиради. Буни қарангки, икки товланмачи истеъмол қилинган газ ҳажмини яшириш мақсадида «Биллинггаз» дастуридаги 143 миллион 7 минг 43 сўмлик табиий газ сарфини истеъмолчиларнинг газ сарфига киришиб, уларнинг 143 миллион 7 минг 43 сўмлик норéal қарздорлигини вужудга келтиради. Бу билан улар фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда жамият ва давлат манфаатларига катта миқдорда зарар етказади.

Текинтомоқ нималарни истамайди дейсиз. Улар газ сингари «оқиб» келаётган қўшимча пулларга ҳам қаноат қилмай, ноқонуний равишда моддий манфаат кўриш билан боғлиқ яна бир қанча жиноий ишларга қўл уради. Бу жиноятчиларнинг кирдикорларини бирма-бир санаб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Энг муҳими, суд уларга одилона ҳукм чиқарди.

Шоди ОТАМУРОД,
«Turkiston» мухбири

1078 меҳнат шартномаси — янги иш ўрни

Мамлакатимизда аҳоли бандлигини таъминлаш, жумладан, касб-хунар коллежлари ва олий ўқув юртли битирувчиларини ишга жойлаштириш бўйича зарур шароитлар яратиш, янги иш ўринларини ташкил этиш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар ўз самарасини бермоқда.

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетидида 2014-2015 ўқув йили битирувчиларини ишга тақсимлаш мақсадида меҳнат ярмаркаси ташкил этилди. Унда турли вазирлик ва идоралар, давлат ва жамоат ташкилотлари, фирма ва компаниялар, вилоятлардаги етакчи корхона ва муассасалар вакиллари, талабалар иштирок этди.

— Мамлакатимизда амалга оширилаётган ёшларга оид давлат сиёсатининг устувор йўналишлари ва бу борадаги кенг кўламли ислохотлар баробарида уларнинг замонавий шароитлар асосида таълим олиши ва хунар сирларини пухта ўрганиши йўлида барча имкониятлар яратилган, — дейди университет ректори Шухрат Қаюмов. — Бугунги меҳнат ярмаркаси битирувчилар учун янги иш ўринлари ташкил этиши ва бандлигини таъминлаш, юксак салоҳиятли, интилувчан ва зукко йигит-қизларнинг келгусида турли соҳаларда фаолият юритишига хизмат қилиши шубҳасиз. Университетда олган назарий билимларини ўз меҳнат фаолияти давомида муносиб қўллаш оладиган, за-

монавий техника ва технологияларга оид билимларни пухта ўзлаштирган, бозор иқтисодиёти талабларига тўла жавоб берадиган талабаларимиз бизни ҳамisha кувонтиради.

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетини 2014-2015 ўқув йилида жами 1540 нафар битирувчи тамомлайди. Шундан 1393 нафари (жумладан, 500 нафари давлат гранти, 893 нафари тўлов-контракт асосида) бакалаврият таълим йўналиши ҳамда 147 нафари (жумладан, 24 нафари давлат гранти, 123 нафари тўлов-контракт асосида) магистратура мутахассислиги битирувчиларидир. Ушбу ярмарка талаба-ёшларнинг ўз соҳаси бўйича иш фаолиятини олиб боришига яқиндан кўмак бериш мақсадида ташкил этилгани билан ҳам аҳамиятлидир.

Мазкур ярмарка давомида потенциал иш берувчилар томонидан мавжуд бўш иш ўринларига зарур номзодларни танлаб олиш юзасида битирувчилар билан суҳбатлар ўтказилди. Бу орқали таълим муассасасини битираётган йигит-қизлар ҳам ўзлари ис-

таган ишни топишга муваффақ бўлди.

Меҳнат ярмаркасида юртимизда турли йўналишлар бўйича фаолият юритиб келаётган олтимизга яқин ташкилот иштирок этди. Корхона ва муассасаларга ишга қабул қилинаётган ёш мутахассисларнинг иш шароити, муҳитига мослашиши ҳамда уларни янги меҳнат жараёнига кўникиб кетишида устоз-шогирд анъанаси, яъни тажрибали мутахассисларга бириктириб қўйишга алоҳида ёндашилмоқда.

— Бугунги меҳнат ярмаркаси биз, талабалар учун айни муддао, — дейди ЎзДЖТУ халқаро журналистика факультети IV курс талабаси Шерали Эшпўлатов. — Сабаби, энди тўрт йил давомида олган назарий билимларимизни мустақил равишда амалиётда қўллашимиз. Ярмаркада соҳадаги нуфузли ташкилотлар билан меҳнат шартномасини имзоладик. Бу эса келажагимизни белгилайди.

Ярмарка якунига кўра, ташкилотлар ва битирувчилар ўртасида жами 1078та меҳнат шартномаси тузилди.

Интеллектуал салоҳияти юқори кадрларга бўлган эҳтиёжнинг қондирилиши, бу орқали эртамиз эгалари бўлган йигит-қизларнинг жамиятда муносиб ўринга эга бўлишида бундай тадбирлар муҳим омил экани шубҳасиз.

Дилшод РЎЗИКУЛОВ,
«Turkiston» мухбири

Imkoniyat

Когон педагогика касб-хунар коллежи битирувчиси Ситора Набиева қобилиятли қиз. Ўтган йили кўлига диплом олди. Корхона, коллеж, ўқувчи ўртасидаги уч томонлама шартнома асосида тумандаги 16-умумтаълим мактабидида амалиёт ўтаб, иш ўрганди. Жамоага маъқул келди чоғи, коллежни тамомлаши билан ишга қабул қилинди.

Ижтимоий шерикликнинг аҳамияти

Вилоятда Ситора сингари ўз йўлини топаётган ёшлар кўп. Зеро, юртимизда ўқувчи-ёшларни касбга йўналтириш, бандлигини таъминлашда нафақат таълим муассасалари, балки бир қатор давлат ва нодавлат ташкилотлари ҳам ижтимоий шериклик асосида фаол саъй-ҳаракат олиб бормоқда. Бу бўйича бир қатор дастурлар ишлаб чиқилган.

— Бухоро вилоятида мавжуд 80та касб-хунар коллежидида 85975 нафар ўқувчи таълим олмақда, — дейди вилоят ҳокимлигининг ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси бошлиғи Ҳамид Қобилов. — Жорий ўқув йилида уларнинг 25,5 минг нафардан зиёди ўқишни тамомлайди. Вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси билан ҳамкорликда ҳар бир туман ва шаҳарда битирувчиларнинг касб-иш мақсадида кўмаклашиш мақсадида чора-тадбирлар олиб боряпмиз. Вилоятда улар учун 24971та янги иш ўрни яратилаётгани айни муддао.

Айни вақтда коллежларнинг юқори курс ўқувчилари уч томонлама шартнома асосида 10624та корхона ва ташкилотда амалиёт ўтамоқда. Уларнинг ҳар бири танлаган мутахассислиги бўйича малакали мутахассисга бириктирилган ҳолда билим ва кўникмаларини ошириш имкониятига эга. Лекин бу билан ҳали ўқувчи иш билан таъминланди деёлмаймиз. Зеро, бандлик масаласи қоғозда эмас, амалда ҳал этилиши учун, аввало, меҳнат бозоридида етарли бўш иш ўринлари бўлиши керак.

Рақамларга юзлансак: вилоят ҳокимлигининг мақсадли дастурига мувофиқ 2015 йилда ташкил этилиши кўзда тутилган 11191та иш ўринининг 4778таси, вилоят хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш бошқармаси томонидан яратилаётган 927та иш ўринининг 341таси, солиқ бошқармасига тўғри келган 6606та иш ўриндан 1652таси касб-хунар коллежлари битирувчилари учун мўлжалланган. Шу билан бирга Марказий банкнинг мақсадли дастури доирасида 5555та корхонада умумий қиймати 398,4 миллиард сўмлик лойиҳалар амалга оширилиб, бунинг натижасида битирувчилар учун 12,5 мингга яқин янги иш ўрни яратилади. Бундан ташқари, давлат томонидан аҳолига уй меҳнатининг барча шакллари, шу жумладан, юридик шахс ташкил этмай туриб йўлга қўйиладиган касаначилик, оилавий тадбиркорлик билан шуғулланишга кенг йўл очиб берилганинги эвазига яратилган 1679та янги иш ўриндан 2526тасига битирувчилар қабул қилинади.

Меҳнат бозорига эндигина кириб келаётган йигит-қизларни иш билан таъминлашда меҳнат ярмаркалари муҳим ўрин тутди. Бундай тадбирлар иш изловчиларга корхона ёки ташкилотлардаги меҳнат шароити ҳақида олдиндан маълум-

мот олиш имконини беради. Таъкидлаш керак, ўтган йили Бухоро вилоятида ўтказилган меҳнат ярмаркалари орқали 5535 нафар йигит-қиз ишга жойлашди.

Бухоро шаҳар бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказида вақтинча ишсиз бўлган фуқаролар учун махсус бюро фаолият кўрсатмоқда. Иш қидираётган юртдошларимиз шу ерга бевосита мурожаат қилишлари мумкин. Ҳозирга қадар мурожаат қилганлар сони 3607 нафарга етди. Вилоят бўйича эса бу рақам 22896 нафарни ташкил қилади. Ҳаммаси яхшикуя, аммо шаҳар кезиб бандликка кўмаклашувчи «норасмий бюролар» борлигига ҳам гувоҳ бўлдик. Гап шундаки, вилоят ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси ҳамда унинг яқинидаги Бухоро энгил саноат ва педагогика касб-хунар коллежи рўпарасида «мардикор бозори» жойлашган. У ерда бошқа шаҳар ва туманлардан иш излаб келган ва одатда деярли ҳар қандай юмушни бажаришга тайёр дастёрлар кўним топади. «Бозор»га кириб кўрдик. Одам оз эмас. Шу ўринда ҳақли бир савол туғилади: уларнинг қаерда, қандай ва ким орқали иш топаётгани, меҳнат ҳуқуқлари қанчалик таъминланаётганини қайси ташкилот назорат қилади? «Мардикор бозори»-дагиларнинг ўзлари-чи, мавжуд аҳволни қандай изоҳлайди? Баъзиларини суҳбатга тортдик.

Мираҳмад Бобоназаров, 42 ёш, Қорақўл туманидан:

— Қишлоқда меҳнатимизга муносиб ҳақ тўланса, шу ерга келиб ўтирармик?! Анча вақт мол боқиб, кун кўрдим. Афсуски, ҳамма фермерларни ҳам ҳалол деб бўлмайди. Ҳақингга хиёнат қиладиганлари ҳам бор. Хуллас, шароитим оғирлигидан мардикорлик қилишга тўғри келяпти.

Чори Тўлиев, 32 ёш, Олот туманидан:

— Тўғриси, вақтинча иш билан банд бўлмаган фуқаролар бозорига боргим келмади. Чунки у ерда иш таклиф қилинган тақдирдаям даромади яхши эмас.

— Бориб кўрмасдан туриб, нега унақа дейсиз? Узи бирор касб-корингиз борми?

— Йўқ-да, вақтида бирор касб-хунарнинг этагидан тутмаганман, бундан афсусланаман. Акс ҳолда, бунчалик қийналмаган бўлармик...

Бундай фикрлардан кейин уйланиб қолсан киши: умр бўйи оз ишлаб, кўп фойда олиш илинжида юрган, на бир хунар, на бирор касб-корни эгаллаган инсондан нима кутиш мумкин? Айниқса, бундай одамлар шаҳарнинг хилватроқ жойида эмас, таълим муассасасининг ёнгинасида, ўқувчилар кўз ўнгида... Улар ёш авлод вакиллари қандай ўртак кўрсатяпти?! Мазкур ҳолатга мутасадди ташкилотлар жамий эътибор қаратишига ишонамиз.

Лайло ҲАЙИТОВА,
«Turkiston» мухбири

Yosh tadbirkor — yurtga madadkor

КОЛЛЕЖ БИТИРУВЧИСИНИНГ КЕЛАЖАГИ

Ёшларни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасига кенг жалб қилиш, уларнинг иқтисодий билим ва кўникмаларини мустаҳкамлаш, илғор таклиф ва бизнес режаларини амалга оширишга кўмаклашиш орқали янги иш ўринларини яратиш давлат миқёсидаги муҳим вазифалардан биридир. Қашқадарё вилоятидаги Ёшлар марказида ташкил этилган «Тадбиркорлик билан келажак сари» мавзусидаги тадбир ҳам ёшлар ўртасида яқин тартибдаги меҳнат фаолияти, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, касаначилик ва фермерликни ривожлантириш, касб-хунар коллежлари битирувчилари ҳамда ишсиз йигит-қизларнинг бандлигини таъминлашга қаратилди.



«Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, вилоят прокуратураси ва Марказий банк вилоят бошқармаси ҳамкорлигида ўтказилган тадбир доирасида ёш тадбиркорлар, хунармандлар ва фермерлар томонидан ишлаб чиқарилган ва тайёрланган маҳсулотлар кўргазмаси, шунингдек, вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси томонидан бўш иш ўринлари меҳнат ярмаркаси ташкил этилди.

Тадбирда вилоят ҳокимлиги, вилоят прокуратураси, Марказий банк вилоят бош-

қармаси, солиқ бошқармаси, «Хунарманд» уюшмаси, фермерлар кенгаши масъуллари маъруза қилди ва ёшларга тегишли тавсия ва йўл-йўриқлар кўрсатди. Ёш тадбиркор, хунарманд ва фермерлар ҳам ўзларини қизиқтирган саволларига соҳа мутахассисларидан жавоб олди.

— «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг кўплаб танловларида қатнашиб келаман, — дейди Шаҳрисабз хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежи битирувчиси Аслиддин Қамолов. — Бугунги тадбирда ҳам фаол иштирок этиб, оилавий

тадбиркорлик фаолиятимни ривожлантириш учун имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини қўлга киритдим.

Тадбир давомида Марказий банк вилоят бошқармаси ҳамда тижорат банклари вакилларида иборат ишчи гуруҳ бўлажак тадбиркорларнинг бизнес лойиҳаларини кўриб чиқди. Энг яхши бизнес лойиҳа муаллифларига имтиёзли кредит олиш учун ҳамкор ташкилотлар томонидан сертификатлар тақдим этилди.

Шавкат ҚАРОМОВ,
«Turkiston» мухбири